



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 12 июль, пайшанба, 28-(452)-сон



ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИ ТОМОНИДАН 122 НАФАР МАНСАБДОР ШАХС ХИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

4 →



ХИСОБОТ ДАВРИДА БАНКНИНГ КРЕДИТ КЎЙИЛМАЛАРИ 1 ТРЛН. 745 МЛРД. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТДИ

6 →



ЭИЗ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИДИР

7 →

Газета 2004 йил 1 январдан чика бошлаган, e-mail: xasror@XASR.uz, web sayti: www.21asr.uz

Депутатлик гуруҳларида



ДЕПУТАТ ХИСОБОТ ЭШИТИШ БИЛАН ЧЕКЛАНМАСЛИГИ КЕРАК

2011 йилда O'zLiDePнинг барча бугунлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан 186 нафар турли даражадаги мансабдор шахслар ҳисоботи эшитилган бўлса, жорий йилнинг олти ойида бу кўрсаткич 122 га етди. Шунингдек, 2012 йилнинг ўтган даврида жойларда 46 та назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилиб, маҳаллий кенгаш сессияларига киритилган тақлифларнинг 32 таси қизғин муҳокамага сабаб бўлди.

4 →

Масъулият



«ЁШЛАР ҚАНОТИ» ТАЪТИЛГА ЧИҚҚАНИ ЙЎҚ

Таътил мавсумига қарамай, жиссаҳлик либерал-демократлар 75 та касб-хунар коллежининг 18826 нафар ва 4 та академик лицейининг 1333 нафар битирувчисини мустақил ҳаётга қузатиш жараёнида фаол иштирок этмоқдалар.

— Битирувчиларни иш билан таъминлаш учун 734 та корхона ва ташкилот раҳбари, шаҳар ва туман ҳокимликлари масъул этиб тайинланган, вилоят ҳокимлигининг доимий ишчи гуруҳи эса бу жараёни қатъий назорат қилмоқда. — дейди O'zLiDeP Жиссаҳ вилоят кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Олим Норжигитов.

4 →

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 10 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни қўйиб, шуни қайд қилди, божона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия долларини	↓ 1927,79
1 Англия фунт стерлингини	↓ 2930,86
1 Ҳитой юанини	↓ 296,95
1 Швейцария франкин	↓ 1936,75
1 АҚШ долларини	↑ 1892,59
1 ЕВРО	↑ 2372,21
10 Япония йенасини	↑ 237,64
1 Украина гривнасини	↑ 236,80

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмуриятларидаги қуйидаги сотилган ва сотиб олинган мажбуриятини олмаган.

6 →

ТАҚДИРИМСАН, БАҲТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Фармон маҳалла институтини янада ривожлантиришга хизмат қилади

МАЪЛУМКИ, МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС БОШҚАРУВ ШАКЛИ БЎЛГАН МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ БОШҚА ДАВЛАТЛАРДА МУҚОБИЛИ ЙЎҚ

Истиклол туфайли ўзининг ҳуқуқий мақомини тўла тиклаган, давлат ичидаги «митти давлат»га айланган мазкур ижтимоий институтнинг бошқарув тажрибаси ва амалий кўникмаларидан фойдаланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтиришга бугунги кунда ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, маҳалланинг аҳоли ижтимоий қатламлари манфаатини ҳимоя қилишга йўналтирилган 30 дан орტიқ вазифаларни бажараётгани ҳам унинг жамиятимиздаги мавқеини ва ролини кўрсатади.

Президентимизнинг 9 июль куни имзоланган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг масъулиятли фаолиятига

бўлган эътибор ва ғамжўрликнинг яна бир ифодаси бўлди. Айни пайтда ушбу фармон «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси изчил таъминланаётганидан ҳам далолатдир.

Бундан ташқари, фармон нафақат соҳа ходимлари фаолиятини рағбатлантириш, қолаверса, уларга нисбатан билдирилган ишонч, мамлакатимизда шакланган фуқаролик жамиятининг ноёб институтларидан бири бўлган маҳалла жонқурлари меҳнатига берилган муносиб баҳо ҳамдир.

Айни пайтда маҳалла изчил ислохотлар жараёнида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда барқарорлик ва тотувлиқни таъминлаш вазифасини ҳам ўтамоқда.

2 →

«Ғалла — 2012»

Барака — фермерликда

ҚАШҚАДАРЁДА 385 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ҒАЛЛА ХИРМОНИ КЎТАРИЛДИ. УНИНГ 44 МИНГ 400 ТОННАСИ УРУҒЛИК УЧУН ТАЙЁРЛАБ КЎЙИЛДИ



2 →

БУГУНГИ СОНДА: ВАКОЛАТ — МАСЪУЛИЯТ ДЕГАНИДИР

3 «Мулкдор оила» лойиҳасининг ҳудудий босқичларида қатнашган 1150 нафар иштирокчи орасидан энг муносиблари танлаб олинди.

Тadbиркорлик иқтисодий тараққиёт таянчидир



O'zLiDeP фракцияси парламент қўйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳамда, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда «КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА АФЗАЛЛИКЛАР БЕРИШ, УЛАРНИНГ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ СОДАЛАШТИРИШ, ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ОРТИҚЧА ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ, МАМЛАКАТИМИЗДА ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАРГА ҚЎШИМЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ ҚОНУН ҲУҶЖАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ТАКЛИФЛАР ТАЙЁРЛАШ» мавзусида дара суҳбати ўтказди

Мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар, тadbиркор ва фермерлар иштирок этган тadbирда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш борасида Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» давлат дастури ижроси тўғрисида»ги қўшма қарорининг 3-бандида кўрсатилган вазифаларнинг Иқтисодиёт, Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Давлат солиқ ҳамда Давлат божхона қўмиталари томонидан қандай бажарилаётгани атрофида муҳокама қилинди.

Қизгин баҳс ва мунозаралар асосида ўтган даврнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи 6 та қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 дан зиёд фармон ва қарорлари, Вазирлар

Маҳкамасининг 15 га яқин қарори ҳам айнан тadbиркорлик учун ишончли кафолатлар тизимини яратиш, лицензия бериш қоидаларини соддалаштириш, руҳсатномалар олиш тартиб-таомиллари қисқартиришга қаратилгандир.

2 →

Парламентда

Хусусий мулк ҳуқуқи янада мустаҳкамланади

O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



— Маъмур қонун лойиҳаси хусусий мулкни қўриқлаш, унинг дахлсизлиги кафолатларини, мулкдорлар ҳуқуқларини амалда таъминлаш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий тартибга солиш, жамиятда хусусий мулк эгаларининг манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоя қилиш талабларини сўзсиз бажаришга асосланган барқарор муҳитни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Муҳаммаджон Турсунов. — Бошқача айтганда, давлат хусусий мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимоячи-

си бўлиб, тadbиркорларнинг ўз бизнесига беҳавотир инвестиция қилишлари, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириш, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши учун ҳуқуқий кафолатлар яратади. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилган асосий кафолатларини янада мустаҳкамлайди.

3 →

Ислоҳот

Тадбиркорлик иқтисодий тараққиёт таянчидир

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»



Натижада кичик бизнес субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди. Рўйхатдан ўтказганлик учун туланадиган давлат божи икки бараварга қисқарди. Шунингдек, кичик корхоналар сирасига кирувчи тузилмалар ходимлари сонининг 100 кишигача етказилгани ҳам партия электорати кўнглидаги иш бўлди.

— Кейинги 20 йил мобайнида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 3,5 бараварга, аҳолининг реал даромадлари эса 3,8 бараварга ўсганлиги, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасидир, — деди парламент кўйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Бахтиёр Иминов. — Фақат кейинги 11 йилдагина кичик корхона ва микрофирмалар сони 2 мартага кўпайиб, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 54 фоизга ошди. Мамлакатимизда ҳар йили ташкил этилаётган иш ўринларининг 60 фоиздан зиёди айнан ана шу сектор хиссасига тўғри келаяётгани ҳам тадбиркорлик иқтисодий тараққиёт таянчига айланиб бораётганини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга ишбилармон доира вакиллари ўртасида ўтказилган сўровлар натижаси ҳам жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат бермоқда. Аммо йилгида ана шундай натижаларга қарамай, соҳа ривожига ҳалақит бераётган қатор муаммолар ҳамда бюрократик тўсиқлар сақланиб қолаётганига ҳам эътибор қаратилди. Давра суҳбати иштирокчиларининг фикрича, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаиш, жиҳозлар ва хомашў ресурсларини импорт қилиш, тайёр маҳсулотни экспортга чиқаришдаги расмиятчилик, бўш турган бино ва объектларни тадбиркорлик субъектларига

фойдаланишга бериш бўйича айрим маҳаллий ҳокимликларнинг ҳаракатсизлиги кичик бизнес ривожига тўсиқ бўлаётган асосий муаммолардир. — Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тадбиркорлар ўртасида сўров ўтказиш мақсадида 356 мингдан зиёд субъектга анкеталар тарқатилди, — дейди Савдо-саноат палатаси бошқарма бошлиғи Улуғмурод Эрназаров. — Шу кунгача 175 мингдан ортиқ сўров-нўнанинг 105 минг 557 таси таҳлил қилинди.

О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг фикрича, энергетика тизимини модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш баробарида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 477-моддасига киритилган янги норманинг амалда ишлани юзасидан қатъий депутатлик назоратини ўрнатиш, ҳар бир туманда бизнес субъектлари учун саноат зоналари ва истезмол товарларнинг улгуржи савдо базаларини ташкил этиш, тегишли идоралар билан ҳамкорликда носоглом рақобатга қарши курашни кучайтириш долзарб вазифалар ҳисобланади.

Молия муассасаларида кредит учун талаб эти-

ладиган гаров таъминоти тартибини янада соддалаштириш, бу борада сурғурта компаниялари ролини ошириш, банкларга электрон тарзда мурожаат қилишни йўлга қўйиш ва бунинг учун уч кунлик муддатда жавоб олишига эришиш, бизнес субъектлари томонидан норезидентларга хизмат қаратишда банк орқали нақд пул тўлашга рўхсат бериш, маҳсулотлар экспортда олдиндан тўловни бекор қилиш ҳам тадбиркорлик қўламининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Давра суҳбатида тадбиркор ва фермерлар томонидан билдирилган тақлиф-мулоҳазаларга алоҳида эътибор бериллаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, пойтахтимиздаги «Azn techno» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анвар Назиров корхона фаолиятини кенгайтириш учун жой топши муаммосига тўхтади. Унинг фикрича, «Ўзбексельмаш» заводи худудда саноат соҳасидаги тадбиркорлар учун ўзига хос технопарк яратиш зарур. Бу тақлифни қўллаб-қувватлаган ишбилармонлар қўнчилиги ва ижроия ҳокимияти вакиллари Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги йирик объектлар негизидан ҳам ана шундай технопарклар очиб ташаббуси билан чиқишга қақирдилар.

Бўстонлик туманидаги

«Усмон ота» фермер хўжалиги раҳбари Хайрулла Мухамедов эса мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги муносабатларини тартибга солувчи қўнунлар мукамал эканини, лекин уларнинг ижро механизминини таъминлайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қанчалик самара бераётганига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Унинг айтишича, фермерлар билан таъминот корхоналари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига ёнигли-мойлаш маҳсулотлари ҳамда минерал ўғитлар етказиб бериш борамидан белгиланган лимит кўрсаткичларини қайта кўриб чиқиш зарур.

Маълумки, ишбилармонлик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришда нотариусларнинг алоҳида ўрни бор. Лекин пойтахт вилоятининг Паркент тумани ва Бекобод шаҳридан ташриф буюрган тадбиркорлар худудда бу борада жиддий муаммолар мавжудлигини таъкидладилар. Бошқача айтганда, узоғи билан ярим соатда битадиган иш учун нотариус ҳузурига киргунча икки-уч кунлаб вақт сарфланапти.

Давра суҳбатида ижроия ҳокимияти вакиллари тадбиркорлар томонидан тилга олинган масалалар ва уларнинг ечими бўйича олиб борилаётган ишлар ҳусусида батафсил

маълумот бердилар. Ўз навбатида, Қўнунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзолари электротар маънавиядан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятига тўсиқ яратётган баъзи муаммоларнинг бартараф этилиши бўйича қатъий парламент назоратини ўрнатишга ваъда бердилар.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий бозор иқтисодиётини барпо этиш, ривожланган давлатлар қаторидан мустақам ўрин олиш асосий мақсадимиз экан, барча иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-демократик ислохотларнинг пировард натижаси бу — энг аввало, инсон учун муносиб турмуш шароити яратиш, халқ фаровонлигини юқори поғонага кўтаришди, десак мулоҳаза бўлмайдими. Жамият барқарорлигини таъминлаш, одамлар даромадини ошириш эса хусусий тадбиркорлик имкониятларидан қанчалик самарали фойдаланишимизга боғлиқдир. Ҳар қандай ўзгаришларга мослашувчан кичик бизнес — ўрта қатлам вакилларининг сафини янада кенгайтиришда эса соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга. О'зЛиДеР фракцияси ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатини ана шу эзгу мақсад йўлидаги яна бир интилиш сифатида баҳолаш жоиз.

Фармон маҳалла институтини янада ривожлантиришга хизмат қилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Фармонга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масалалари буйича «Маҳалла посбон»ларининг меҳнатларини рағбатлантириш назарда тутилаётгани уларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини ошириб, маҳалла институтининг куч ҳамда имкониятларидан янада самарали фойдаланишга хизмат қилади.

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмасини ташкил этишдан асосий мақсад фуқаролар фаоллигини ошириш йўли билан ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнини жадаллаштириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг давлат бошқарув тизимининг айрим вақолатларини бажаришга кенг йўл очиш, оқилолликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашда давлат идоралари билан маҳаллаларнинг ҳамкорлигида иш олиб боришига эришиш, бошқача айтганда, «Кучли давлат — кучли фуқаролик жамиятига» ўтиш жараёнида аҳолининг ўзаро ҳамжиҳатлигини оширишдан иборатдир.

Мазкур фармон О'зЛиДеРнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини янада мустақамлашга ҳам даъват этди. Кейинги йилларда партияимиз ўзининг бир қатор лойиҳалари асосида маҳаллалар

Барчиной
МАШАРИПОВА,
Олий Мажлис Қўнунчилик
палатаси депутати,
О'зЛиДеР фракцияси
аъзоси



билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйган. Масалан, «Мустақам оила йили»да «Мулкдор оила», «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага» лойиҳалари айнан маҳаллалардаги электротар вакиллари кўмагида амалга оширилапти.

Партия ва маҳалла ҳамкорлигига 2009 йилдан бери амалга оширилаётган О'зЛиДеР Қўқон шаҳар кенгашининг маҳсул лойиҳаси ҳам мисол бўлиши мумкин. Кенгаш ташаббуси ва «Хўқанди латиф келажаги» жамғармаси маблағи ҳисобидан 65 та маҳалла идорасига компьютерлар ўрнатилди. Натижада коммунал тўловларни амалга ошириш, аҳоли мурожаатлари тезкорлигини, ахборот алмашинувини таъминлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, О'зЛиДеР фаоллари ташаббуси билан шаҳар маҳаллаларидаги чиқиндиларни олиб чиқиш кетиш учун хориждан 13 та замонавий техника келтирилди.

Партиянинг «Ёшлар қаноти» эса маҳаллалар билан ҳамкорликда «Маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш ва ёшлар онгиде миллий гуруҳ туйғусини шакллантириш», «Баркамол авлод билан порлоқ келажақ сари» мавзуларида қатор тадбирлар уюштиряпти.

Президентимиз фармони, шубҳасиз, ана

шундай ҳамкорликни янада яхшилаш, фаолларимиз зиммасидаги масъулиятни янада ошириш лозимлигини кўрсатади.

Шу ўринда Президентимиз фармони «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш тўғрисидаги вазифаларнинг ниҳоятда муҳим эканини ҳам аналтади.

Бу эса айни пайтда сиёсий партиялар ва уларнинг Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари зиммасига «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қўнунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қўнунни қабул қилиш жараёнини тезлаштиришни талаб этади.

Муносабат

Дахлдорлик туйғуси

РАҒБАТНИНГ ЖОЗИБАДОР КУЧИ ШУНДАКИ, У КИШИЛАРНИ ҲАМИША МАЪЛУМ БИР ЖАРАЁНЛАРДАГИ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВРИДА ФАОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК КЎРСАТИШГА ҲАМДА ЗИММАДАГИ МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСINI МУСТАҚАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
«Фаргона ҳақиқати» — «Ферганская правда» бирлашган таҳририяти бош муҳаррири

Биз ҳар йили 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан эълон қилинадиган Юртбошимиз табригини интиқлик билан кутамиз. Чунки ана шу табрикда билдирилган мулоҳазалар келгуси вазифаларни бажаришда дастуриямал вазифасини ўтаб келган.

Бу йилги байрам табригида баён этилган фикрлар ҳам шу маънода ҳамкасбларимиз томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Зеро, Юртбошимиз табригида миллий матбуотга жуда катта ишонч билдирилди. Соҳа ходимлари зиммасидаги масъулият ана бир қарра эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, Фаргона вилояти ҳокимлиги бош наشري — «Фаргона ҳақиқати» — «Ферганская правда» газеталари бирлашган таҳририяти ижодий жамоаси ҳам табрикда билдирилган фикр-мулоҳазалардан ўзлари учун жиддий ҳулосалар чиқармоқдалар. Кейинги йилларда яратиб берилган шарт-шароитлар тўғрисида таҳририятимизнинг моддий-техник базаси замонавий меъзолар асосида такомиллаштирилди. Таҳририят биноси мукамал таъмирдан чиқарилиб, ҳар бир хона сўнгги русумдаги компьютер, алоқа воситалари билан жиҳозланди. Натижада газетамиз-

нинг мазмун-мундарижаси, сифати ва адади сезиларли даражада ўсди. Ана шундай ўзгаришлар сабаб бу йил ижодий жамоамиз еттинчи бор ўтказилган «Олтин қалам» миллий мукофотининг бош совринини қўлга киритди.

Аслида бундай ўзгаришларни Фаргона вилоятидаги 90 га яқин оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Уларнинг 60 га яқини хусусий нашр ёки электрон ОАВ эканлиги янада қувонарлиқдир.

Маълумки, ҳар қандай журналист учун амалга оширган ишлари, ижодий муваффақиятларидан кўра, келгусидаги вазифалари муҳим саналади. Шунинг учун ҳам ижодий жамоалар кеңага қараганда бугун яхшироқ ишлаш, ижодий фаолият олиб боришга интилаверади. Демак, бизнинг ижодий жамоа ҳам таҳририятимизга, умуман, соҳа фаолиятига қаратилаётган юксак эътиборни бундан бунён амалга оширишимиз керак бўлган ишлар учун берилган рағбат сифатида қабул қилади.

Биз учун энг муҳими — эътироф. Давлатимиз раҳбарининг матбуот ва ОАВлари ходимларига йўллаган табриги ва унда билдирилган самимий фикрлар қалбимизни тоғдек кўтариш баробарида бизни янги-янги марралар, ютуқлар сари ундамоқда. Фаргоналик журналистлар эса билдирилган ишонч ва ғамхўрликка ўларининг сермахсул ижодий муваффақиятлари билан жавоб беришларига ишончим комил.

«Ғалла — 2012»

Барака — фермерликда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI ASR»

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда вилоятда 145 минг гектар сувли, 55 минг гектар лалми майдонларга ғалла экилиб, майсалар юксак агротехника қоидалари асосида парваришланди. Уруғчилик, нав танлаш ҳамда кўпайтиришга жиддий эътибор қаратиш, экин парвариси билан боғлиқ агротехник тадбирларни намунали ташкил этиш тўғрисида хосилдорлик йил сайин ошиб бораётир.

— Таҳриба ва омилкорликда ҳикмат кўп, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ғаллачилик бўлими бошлиғи Исмоил Сатторов. — Бу йил ҳам суғориш «шарбат» усу-

лида олиб борилди, ҳар гектар майдон 5 тонна маҳаллий ўғит билан озиклантирилди. Хусусан, ҳарорат бирдан қизиган пайтда берилган сув ва озуқа майсалар ривожини тезлаштириб, намликни меъёрида сақлаб туришга, экиннинг чуқур илдиз отишига замин яратди. Натижада хосил мўл бўлди. Вилоят худудидида 110 та ғалла ўрми-йиғим отрядлари фаолият олиб борди. 754 нафар операторга бириктирилган 177 та комбайн юқори унум билан ишлатилди. Бу йил ҳам далаларга синовдан ўтган, серҳосил ва эртапишар ғалла навлари экилган, ҳар гектар ердан 50 центнердан хосил олиш режалаштирилган эди. Самара қутилганидан ҳам юқори бўлди. Қарши туманидан «Ериев Шохруҳ Фахриддинович», «Нормўмин бобо»,

Нишон туманидаги «Раҳимиддин Турдиев», «Алим Бекмирзаев», Чироқчи туманидан «Марзия Хайитова», Миришкор туманидаги «Янгибой» фермер хўжалиқларида хосилдорлик 63-65 центнерни ташкил этди.

Дарҳақиқат, шундай. Вилоятда юксак ғалла хирмони тикланди. Айни кунда уни ўз вақтида саранжомлаш чоралари кўрилмоқда.

— Истиклол йилларида Президентимиз ташаббуси билан фермерлик ҳаракати ривожлантирилиб, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Шу тўғрисида қишлоқ хўжалиги хосилдорлиги тобора ошиб бормоқда, — дейди Касби туманидаги «Райим Ширинов» фермер хўжалиги раиси Абдурашид Ширинов. — Эл-юрт ривожига муносиб ҳисса қўшаётган фермерлар давлати-

миз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани эса бугунги натижаларга асос бўлмоқда. Бу йил баҳорнинг серёғин келгани, экинлар юксак агротехника қоидалари асосида парваришланиши натижасида ҳосил чўғи банд бўлди. Хусусан, «Нота» навли ғалла уруғи жуда серҳосил экан. Гектардан 55 центнердан хосил кўтариб, давлат шартномасини ортиги билан бажардик. Бу йил олинмаган фойда ҳисобидан қишлоқдаги 13-мактабда қаровсиз ётган бинони таъмирлаш, кураш зали очишга қарор қилдик. Негаки биздаги ҳар икки оиланинг биттасида курашга иштиёқманд ёшлар бор. Уларнинг иқтидорини тарбиялаб, камолотга етказишга ўз ҳиссамни қўшсам, ниҳоятда бахтиёр бўлардим.

Ваколат — масъулият деганидир

O'ZLIDER PARTIYA QURILISHI SOXASIDA GI NAVBATDA GI VAZIFALARNI BELGILAB OLDI

Бугунги демократик ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунлар ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали ислохотлар самарадорлигига эришишдек долзарб вазифани амалга оширмақдалар. Табиийки, бу жараёнда сиёсий жиҳатдан етук ва малакали кадрларга бўлган талаб кескин ортади.

Шу боис ҳам партиянинг барча даражадаги тузилмалари вакиллари, вилоят кенгашлари, депутатлик гуруҳи аъзолари ва бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари иштирокида ўтган «O'zLiDeP партия қурилиши соҳасидаги навбатдаги вазифалари» мавзусидаги семинарда асосий эътибор ҳудудий кенгашлар ва жойлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, бошланғич ташкилотлар самарадорлигини ошириш, уларга услубий ва амалий тавсиялар беришга қаратилди.

Хусусан, унда O'zLiDeP ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши, кичик бизнес, тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари манфаатини ҳимоя қилишда қонунчилик базасини такомиллаштириш, аҳолининг сиёсий маданиятини шакллантириш орқали демократлаштириш жараёнлари кўлимини янада кенгайтиришга йўналтирилган ишларда фаол иштирок этиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Фуркат ХАТАМОВ,

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарат раҳбари:

— Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадигани, вилоят кенгашларининг кейинги йиллардаги БПТ ва депутатлик гуруҳлари билан ишлаш, партиявий кўрсатмаларни бажаришга қаратилган фаолияти бир қадар жонланган. Депутатлик гуруҳлари томонидан сессиялар кун тартибига олиб чиқилган мавзулар қамрови кенгайиб, уларда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ҳисоботларини тинглаш йўлга қўйилгани ҳам шундан далилат беради. Бирок ҳали ҳам аксарият ҳудудий партия ташкилотлари қабул қилинган янги қонунлар туфайли яратилган ҳуқуқлардан тўла-тўқис фойдаланмаётган. Жумладан, депутатлик гуруҳларининг депутатлик назорати ва сўрови институтидан фойдаланишда иккилаштирилган кузатишмоқда. Худуд учун долзарб бўлган масалаларни сессиялар кун тартибига кириштириш, ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишда уларда дадиллик этишмаяпти. Бу эса ўз навбатида партиянинг жамоатчилик назоратини ўрнатиш имкониятларини чегаралаб қўймоқда.

Семинарда ана шундай камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, партиявий ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш, вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари учун кадрлар захирасини шакллантириш, O'zLiDePнинг стратегик ҳамкорлари саналган Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

Шавкат РАЗЗОҚОВ,

O'zLiDeP Тошкент вилояти кенгашидаги кадрлар захирасини шакллантириш бўлими мудири:

— Демократик ривожланиш жараёнлари сиёсий партиялар олдида долзарб вазифаларни қўяётган бугунги шароитда сиёсий таълим тизимининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шу боисдан O'zLiDeP мафкуравий-тарғибот ишларини жонлантириш орқали ўз ғоя-мақсадларини янада кенгроқ тарғиб қилишга интиломоқда. Бунда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари ҳамда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да билдирилган тақлиф ва тавсиялар дастуриламал вазифасини

ўтаётир. Аини кунда ана шу икки муҳим ҳужжат асосида партиявий-ғоявий ишларимизни жонлантиришга ҳаракат қилаёلمиз. Чунки бугунги глобаллашув жараёнларида сиёсий таълим тизимининг ўрни тобора ортиб, мамлакатимизнинг етакчи кучи бўлган ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ҳуқуқий билим ва малакаларини мустаҳкамлашни кун тартибига қўймоқда.

Шу сабабли ҳам амалий семинарда партия қурилиши соҳасидаги ишларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Кузатилаётган камчилик ва нуқсонларнинг сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Кодир ШОИМОВ,

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгашининг тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш бўлими бошлиғи:

— Бугун зиммамиздаги энг муҳим вазифа бу — шубҳасиз, ўрта синф вакиллари ҳуқуқини ҳимоя қилишдир. Шунинг учун ҳам бўлиммиз партиянинг кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати вакиллари манфаатларини ифода этувчи муҳим бўгин саналади. Таъкидлаш жоизки, ўтган бир йиллик фаолиятимиз давомида «Фермерлар ва тадбиркорлар мулоқот клуби» лойиҳаси муваффақиятли иш олиб борди. Лойиҳа доирасида ўтказилган 65 та амалий мулоқотда 9500 дан ортиқ тадбиркор ва фермерлар қатнашди. Улар томонидан амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, тадбиркорликка ҳалақат бераётган тўсиқларни бартараф этишга қаратилган 500 га яқин амалий тақлифлар келиб тушгани, айниқса, аҳамиятлидир. Ушбу тақлифлар жамоатчилик экспертлар томонидан сараланиб, O'zLiDeP фракциясига етказилди. Бу мавжуд муаммони парламент даражасида муҳокама қилиш, унинг ечимини юзасидан тегишли идора ва ташкилотларга сўров юбориш механизмининг жорий этиш имконини беради, албатта.

Жорий йилда эса «Мулкдор оила» ва «Тадбиркорлар мулоқот форуми» каби истиқболли лойиҳаларни амалга оширяёلمиз. Шу кунларда «Мулкдор оила» лойиҳасининг ҳудудий босқичларида қатнашган 1150 нафар иштирокчи орасидан энг муносиблари танлаб олинди. Уларнинг бизнес-режалари етакчи банклар томонидан молиялаштириладиган бўлди.

Имкониятдан фойдаланиб, семинар ишида ўз фаолиятимизни таҳлил қилиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилганини таъкидламоқчиман.

Саломат КУДАЙБЕРГЕНОВ,

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш гуруҳи раҳбари:

— «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган йўналишлар жамиятни либераллаштиришга йўналтирилгани билан аҳамиятли бўлиб, бу эркинлаштириш, хусусий мулк дахисизлигига асосланган O'zLiDeP мақсадларига ҳамоҳангдир.

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу семинарда муҳокама қилинган масалалар Концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу эса ислохотларнинг муваффақиятини таъминлашда партиянинг энг қуйи бўгини ҳисобланган бошланғич ташкилотлар фаолиятини бугунги кун талаблари асосида жонлантириш лозимлигини аниқлатади, албатта.

Бугун Қорақалпоғистон Республикасида партияимизнинг 1058 нафар аъзоси 579 та бошланғич ташкилотда бирлашган бўлиб, БПТ томонидан фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаол-



лигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий-сиёсий маданиятини юксалтириш, аҳоли орасида партия фаолиятини оммалаштириш юзасидан бир қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган 43 та ана шундай тадбирларда мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари ва бунда сиёсий партияларнинг ўрни масалалари атрофида муҳокама қилинди. Семинарда партия тузилмалари фаолиятига берилган баҳо ва танқидий муносабатдан сўнг, биз ҳам ишимиз ва режаларимизга тегишли ўзгаришлар киритишнинг лозимлигини аниқлаб етдик.

Нурали РАИМОВ,

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши аппарат раҳбари:

— Ҳақиқатан ҳам, аини пайтда мамлакатимиз ҳаётида оза бераётган демократик ўзгаришлар барча даражадаги ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятини талаб этмоқда. Шу боисдан ҳам ўтган даврдаги фаолиятимизда дастурларимизда белгиланган мақсад ва ғоялар асосида худудий кенгашлар ва депутатлик гуруҳи иши сифатини ошириш, сессиялар кун тартибига электорат манфаатидан келиб чиқиб, муҳим масалаларни олиб чиқиш орқали маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ҳисоботини эшитишни йўлга қўйдик. Масалан, депутатлик гуруҳимиз «Микрокредитбанк» ва Халқ банкнинг вилоят бўлиmlари томонидан худуддаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кредитлар ажратиш бўйича мазкур молия муассасалари мутасаддиларининг, шунингдек, вилоят бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва дастурий таъминот бозорини ривожлантиришга оид ишлар юзасидан Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи ҳисоботларини эшитди.

Лекин шунга қарамай, бугунги семинарда билдирилган танқидий фикрлар ва тавсиялардан сўнг, ҳали фаолиятимизда жид-

дий эътибор қаратилиши лозим бўлган ишлар борлигини, камчиликлардан зарур хулосалар чиқаришимиз кераклигини аниқлаб етдик.

Умида РУСТАМОВА,

O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгашининг депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори етакчи консультанти:

— Бугунги анжуман долзарб вазифалар таҳлили ва ошқора муҳокамалардан иборат бўлди, дейиш мумкин. Энг муҳими, ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларидан депутатлик гуруҳлари масъулиятини ошириш лозимлигига эътибор қаратилди. Аини кунда вилоятимизда 30 нафар O'zLiDeP вакилидан иборат депутатлик гуруҳи фаолият юритмоқда. Ўтган давр мобайнида кенгашимиз тадбиркорликнинг янги шакли — оилавий бизнесни ривожлантиришга эътибор қаратиш, ўрта синф вакилларига кредитлар ажратишида амалий ёрдам бериш, янгидан иш бошлаган тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва малакасини оширишга кўмаклашиш, аҳолини, айниқса, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш масалаларини доимий назорат қилиш, БПТ ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш каби янада алоҳида эътибор қаратди. Бу борада депутатлик гуруҳларимиз томонидан бир қатор долзарб масалалар муҳокама қилиниб, сессиялар кун тартибига олиб чиқилди.

Ўтказилган икки кунлик семинарда эса депутатлик сўрови ва назоратнинг самарадорлигини оширишда қандай усуллардан фойдаланиш, партиянинг кадрлари салоҳиятини, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий малакасини юксалтириш борасида тегишли тавсиялар берилди. Анжуманда билдирилган фикрлар ва партиявий кўрсатмалар асосида вилоят кенгашимиз томонидан барча даражадаги тузилмаларимиз ва депутатлик гуруҳларининг ишини янада фаоллаштириш бўйича керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Семинар якунирар O'zLiDePнинг барча даражадаги тузилмалари фаолиятини ошириш, давлат бошқаруви ҳамда ижро ҳокимияти учун зарур кадрлар захирасини шакллантириш лозимлигини кўрсатди. Тадбирда қайд этилганидек, бугун партия тизимида 7 мингдан зиёд захира кадрлар руйхатга олинган. Аммо улар орасидан давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижро органлари учун муносибларини танлаш ва қайта тайёрлаш бўйича изчил ишлар давом эттирилиши керак. Семинарда бу борада тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ тайёрлади.



Хусусий мулк ҳуқуқи янада мустаҳкамланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Тўғри, амалдаги қонунларимизда хусусий мулк ва мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини белгилловчи бир қатор нормаларга амал қилинмоқда. Хусусан, Конституциямиз ва Фуқаролик кодексини, шунингдек, Уй-жой, Ер, Жилоий кодексларни, мулкчилик, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уй-жой фондиди хусусийлаштириш, банкротлик, масъулият чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, инвестиция фаолияти, хусусий корхона тўғрисидаги қонунларни мисол қилиб келтириш мумкин. Лекин ҳозирга қадар ҳуқуқни қўллаш амалиётида мулк ҳуқуқи кафолатларига сўзсиз риоя қилиш механизми етарли даражада шаклланмаган эди.

Бундан ташқари, мулк ҳуқуқини тугатиш ва мулкни олиб қўйиш ҳолатларида уни бозор баҳосида компенсация қилиш масаласи ҳам етарли даражада тартибга солинмаган. Амалдаги қонунларда давлат эҳтиёжлари учун кўчмас мулкни олиб қўйишда тадбиркор қўрган зарарни қоплаш ва йўқотилган мулкни компенсация қилишга риоя этиш ҳар доим ҳам таъминланаётгани йўқ.

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса айнан ана шундай жиҳатларни тартибга солишни назарда тутди. — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Шавкат Тешаев. — Янги қонун лойиҳасида илгари турли талқинларга сабаб бўлган ҳолатларга барҳам берилиб, хусусий мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ масалалар аниқ ҳуқуқий ечим топади. Унинг нормаларини рўйбга чиқариш иқтисодиётда хусусий мулкнинг самарали амал қилиши учун қулай шароитлар яратишни баробарида тадбиркорлик ташаббусларини ҳам рағбатлантиради.

— Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, биз «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулк-

дорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини имкон қадар тезроқ қабул қилиш тарафдоримиз, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Сурайё Одиловжоева. — Боиси айнан ана шу қонун кучга кириши билан Сайловолди дастурида белгилаб олинган кўпгина муаммоларга ҳуқуқий ечим топилади ва электоратга берилган ваъдаларни тўлиқ бажариш имконияти янада кенгайди. Бир сўз билан айтганда, янги қонун лойиҳаси хусусий мулкни ҳимоялаш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлаш соҳасидаги асосий тамойиллар ва қоидаларни мустаҳкамловчи базавий қонунга айланди.

Кун тартибидagi навбатдаги масала — «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари томонидан кўзгин муҳокама қилинди. Zero, O'zLiDeP Сайловолди дастурида алоҳида белгиланганидек, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонун аралашмаслик мамлакат иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан ҳам мазкур қонун лойиҳасида назарда тутилган янги нормалар партия электорати манфаатларига тўла мос келади.

Фракция ййгилишида, шунингдек, «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун қабул қилинган муносабати билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида», «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ижро этиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилиб, муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Учинчи сектор

«Имкон» ўз имкониятларини кенгайтирапти

2001 йилдан буён фаолият юритаётган «ИМКОН» НОГИРОН БОЛАЛАР ВА УЛАР ОИЛАСИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ СУРХОНДАР ВИЛОЯТИДА АНА ШУНДАЙ ОИЛАЛАРНИ ИЖТимоий муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш жараёнида фаол иштирок этмоқда

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

— 2004 йилдан буён ННТ қошида ташкил этилган «Ногирон болалар ўқув-маҳсус маркази»да инклюзив таълим йўналиши бўйича алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга таълим-тарбия ҳам бераёلمиз, — дейди ННТ раҳбари Соҳиба Зияватдинова. — Ушбу марказнинг асосий вазифаси, энг аввало, дастлабки таълимни ололмаган болаларни ўқитиш ва айнан шу жараёнда дарсликларни яхши ўзлаштиришга йўл қўйишга йўналтирилган таълим мақталарига таъбирлашдан иборатдир. Бу ерда нақошлик, ўймакорлик, тасвирий санъат, тўқувчилик, зардўзлик ва юмшоқ ўйинчоқлар тикиш каби тўғрақлар ишлаб турибди. Шу кунгача 43 нафар тарбияланувчимиз ўқув-

марказининг тиббий, психологик текширув хулосаларига кўра умумий ўрта таълим мақталарига юборилди. Мисол учун марказнинг илк битирувчиларидан бири Йўлдош Маматмуродов аини пайтда Термиз Давлат университетининг тарих факультетида тахсил олмақда.

Шу ўринда 2007 йилдан бошлаб республикамизда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фондидининг «Мақталар ва болалар боғчаларида инклюзив таълимни татиққ этиш» лойиҳаси асосида Навоий, Термиз, Қарши, Жиззах, Самарқанд ва Қўқон шаҳарларида 6 та инклюзив болалар боғчаси ва 6 та ана шундай мақталар фаолияти йўлга қўйилганини таъкидлаш мумкин.

— «Мустаҳкам оила йили»да ҳам бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширяёلمиз, — дейди С.Зияватдинова. — Хусусан, ўтган йилнинг сентябрь ва жорий йилнинг февраль ойида Олий Мах-

лис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида «Имконияти чекланган аёллар ва оиласида имконияти чекланган боласи бор оналарни оилавий бизнесга ўргатиш консалтинг марказини ташкил қилиш» номли лойиҳа бўйича иш олиб бордик. Бундан қўланган мақсад аҳоли савдонлигини ошириш ва уларни тадбиркорлик сирасорларига ўргатишдир. Лойиҳа доирасида Термиз шаҳридаги Аму-Соҳили, Дўстлик, Жўйижаңга, Сурхон-Соҳили, Абдурахмон Жомъе маҳалла фуқаролар йиғинларида, шунингдек, Жарқўрғон туманидаги А.Навоий, Янгиобод МФЙда имконияти чекланган аёллар, оиласида ижтимоий ҳимояга муҳтож боласи бор оналарни оилавий бизнесга ўргатиш бўйича «Ўз бизнесингни бошла» мавзусида семинар-тренинглр ўтказилди.

Депутатлик гуруҳларига

Депутат ҳисобот эшитиш билан чекланмаслиги керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Партия фаолларининг фикрича, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ўки бу соҳаларини тартибга солишга хизмат қилаётган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият томонидан жойларда қандай ба- жарилётгани юзасидан қатъий назорат ўрнатиш- да алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Шу маънода марказда ва жойларда ижроия ҳокимияти раҳбарларининг уларга ишониб топширилган тармоқларда қонун ҳужжатлари ижроси бўйича ҳисоботларни эшитиш О'зЛиДеР депутатлик гуруҳлари фаолиятининг асосий ишига айланмоқда, десак мубо- лага бўлмайди.

Бунда асосий эътибор давлат тузилмаларининг тадбиркорлик соҳасига асосиз аралашувини ка- майтириш, шунингдек, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури- да кўзда тутилган вази- фалар ижросини таъмин- лашига қаратилган.

Агар ўтган 2011 йилда О'зЛиДеРнинг барча бўғин- лардаги депутатлик гуруҳ- лари томонидан 186 на- фар турли даражадаги мансабдор шахслар ҳисо- боти эшитилган бўлса, жорий йилнинг олти ойи- да бу кўрсаткич 122 тани ташкил этди. Шунингдек, 2012 йилнинг ўтган даври- да 46 та назорат-таҳлил фаолияти амалга ошири- либ, халқ депутатлари ма- ҳаллий кенгашларига ки- ритилган тақлифларнинг 32 таси сессияларда му- хокама қилинди.

Маълумки, сўров бил- ан мурожаат қилиш де- путатлик назоратининг са- марали шаклларида бўлиб, айни пайтда де- путатлик назоратини қу- майтириш вазифасини му- ваффақиятли ҳал этиш, маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, мавжуд му- аммолар юзасидан зарур таъсияларни ишлаб чиқиш имкониятини яратди. Бо- шқача айтганда, депутат сўровида кўтарилган ма- салалар бўйича ҳар то- монлама тушунтириш бе- риш давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ман- сабдор шахсларининг бе- восита вазифаси ҳисоб- ланади. Шу сабабли ҳам Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси депутат сўрови- нинг аҳамиятини ошириш борасида депутатлик гу- руҳларига доимий равиш- да партиянинг кўрсатма- лар бериб келмоқда.

Натижада жорий йил- нинг ўтган даврида О'зЛиДеР депутатлик гу- руҳлари ва алоҳида де- путатлар томонидан тур- ли идора ва ташкилот му- тасаддиларига 142 та сўров юборилди. Бу бо- рада Хоразм вилоятида- ги депутатлар фаолияти, айниқса, диққатга сазо- вордир. Маҳаллий ке- нгашлардаги депутатлар- миз режага киритилган му- хим масалалар, энг ав- вало, кичик бизнес ва ху- сусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ус- тувор йўналишлари бўй- ича мутасадди идоралар- га депутатлик сўровлари билан мурожаат қилиб, олинган маълумотларни депутатлик гуруҳи йи- ги- лишларида муҳокама қилмоқдалар.

Масалан, халқ де- путатлари Янгиарик туман

кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзоси Оллаберган Эрназаров туман иқтисодиёт бўлими бошлиғи Хурмат Давлетовга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида асосан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилиниши, яъни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги баргараф этиб бўлмайдиган барча зид- дият ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилишининг ҳолати бўйича мурожаат қилди.

Сўров юзасидан олин- ган маълумотларни таҳ- лил этган О.Эрназаров депутатлик гуруҳи йи- ги- лишида айни шу масала- ни муҳокама этиш таша- буси билан чиқди. Зеро, туманда 103 та кичик биз- нес субъекти ўз фаоли- ятини тўхтатган ва улар- нинг таъсисчилари О'зЛиДеРдан сайланган депутатларга ечимини ку- таётган масалалар бўй- ича мурожаат қилган эди.

Туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қулай ша- роит яратиш, банк, солиқ, статистика ва бошқа таш- килотлар билан ҳамкор- ликни мустақамлаш юза- сидан муайян ишлар амалга оширилган. Биз- нес вакилларига услубий ёрдам кўрсатиш учун қишлоқ фуқаролар йиғин- лари биносида тадбир- корлар бурчаги ташкил қилинган. Маълумотлар базаси доимий равишда янгиланб бориляпти. Шунингдек, туман ҳокимли- гига тадбиркорлик



Ҳисоботда қайд этилган ижобий ўзгаришлардан қониқиб ҳосил қилиш мумкин, албатта. Лекин шунга қарамай, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайтиришга тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ таъсияларни ишлаб чиқиш керак.

субъектлари учун «ишонч телефони» ўрнатилди.

Бундай саъй-ҳаракат- лар натижаси сифатида "Баҳром" фермер ҳўжа- лигига 55 миң АҚШ дол- лари қийматидаги замо- навий ускуна келтирилди. Бу ерда банк кредити ҳисобидан йилгига 360 тонна сутни қайта иш- лашга мўлжалланган янги технология линия ўрна- тилган, қишлоқда ўнлаб янги иш ўринлари ташкил этилганини ҳам таъкид- лаш жоиз. Бундан ташка- ри, аҳолига хизматлар кўрсатишни янада ривож- лантириш чора-тадбир- лари асосида умумий қиймати 613 млн. сўм бўлган 16 та савдо ва ма- шиний хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилди. Натижада 37 та янги иш жойи очилди.

— Ҳисоботда қайд

этилган ижобий ўзгариш- лардан қониқиб ҳосил қилиш мумкин, албатта. Лекин шунга қарамай, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайтиришга тўсиқ бўлаётган айрим муам- моларни ҳал этиш бўйича аниқ таъсияларни ишлаб чиқиш керак, — деди О'зЛиДеР депутатлик гу- руҳи аъзоси Ҳожибой Отажонов. — Масалан, 2012 йилнинг ўтган ярми- да туман бўйича бор-йўғи 15 та бизнес субъекти рўйхатга олингани, улар- дан атиги биттаси кичик корхона эканини қандай изоҳлаш мумкин? Кўри- ниб турибдики, халқ де- путатлари Янгиарик ту- ман кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гу- руҳи аъзолари асосий эътиборни электротар фа- олиятига қаратмоқдалар.

Шу ўринда депутатлик гу- руҳи — О'зЛиДеР туман кенгаши томонидан ҳар томонлама қўллаб-қув- ватланаётганини айтиб ўтиш лозим.

— Туман кенгашида 11 нафар депутатимиз бор, — дейди кенгаш раиси- нинг биринчи ўринбоса- ри Сардорбек Машари- пов. — Улар фаолияти асосан ҳудудимизда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кўламини янада оширишга қаратил- ган. Шу сабабдан де- путатларимиз билан яқин ҳамкорлик қилиш, уларга партиявий кўрсатмалар- ни ўз вақтида етказишни устувор вазифамиз, деб биламиз.

Хулоса қилиб айтган- да, О'зЛиДеР депутатлик гуруҳлари ва алоҳида де- путатларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий рив- ожлантириш, кичик биз- нес ва хусусий тадбир- корликни янада тараққий эттириш борасидаги фа- олияти кўламини тобора кен- гайтганини улардаги масъ- улият ва дахлдорлик ҳисси ошиб бораётгани- ни кўрсатади. Янгиариқ- лик либерал-демократ- ларнинг ишлари эса кат- та бир занжирнинг кичик халқаси, холос.

«Аёллар қаноти»

Наргиза ҚАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»

— Бўлимимиз қошида- ги мазкур клуб 2008 йил- нинг сентябрь ойида иш бошлаган, — дейди Яка- сарой туман кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Фаридат Пирхонорова. — Бугун мамлакатимизда аёллар мавқеини оши- риш ва уларнинг жамият- да муносиб ўрин эгал- лашлари учун қонуний асос ва имкониятлар яра- тилган. Бу эса опа-син- гилларимизнинг демок- ратик ислохотлар жараё- нидаги фаоллигини яна- да оширади. Иқтидорли қизларимизда етакчилик қобилиятининг шакллантирилиши, шубҳасиз, давлат бошқарувини ян- гилаш ва модернизация- лаш жараёнида аёллар иштирокини кенгайти- ришга хизмат қилади.

— Клубимиз аъзолари ўқишда ҳам, ишда ҳам илгор, — дейди клуб ра- исси Сабоҳат Каримова. — Талаба қизлар ўртасида тарғибот-ташвиқот иш- лари олиб бориш орқали

Яккасаройлик етакчи қизлардан ўрганнинг

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ЁШ ЕТАКЧИ ҚИЗЛАР КЛУБИ» АЪЗОЛАРИ СЕНИ ЯНА 15 НАФАРГА КЎПАЙДИ

уларнинг нафақат сиёсий- ҳуқуқий маданиятини, балки ҳаётга бўлган муноса- батларини ҳам бойитишга ҳаракат қилаёلمиз. Жамо- амиз аъзоларининг ижти- мий-сиёсий жиҳатдан баркамол, партиянинг мақ- сад-вазифаларини пухта англайдиган ва ишбилар- мон бўлиб етишилари қизларнинг жамият ҳаёти- дан муносиб ўрин эгалла- шини таъминлайди, албатта. Бу, ўз навбатида, эрта турмушга чиқиш орқали ке- либ чиқувчи турли салбий оқибатларни олдини олиш- га ҳам кўмак беради.

Ёш бўлишига қарамай, катта ишларга бош-қош бўлаётганлар орасида Ази- за Асқархаджаева, Зебо Ҳамроқулова ва Мафтуна Юлдашева сингари етакчи қизлар эришаётган нати- жалар бошқаларга ҳам ўрнак бўляпти. Масалан, Азида айни пайтда ўқиш баробарида Ўзбекистон маданияти ва санъати фо- руми жамғармасида етак- чи консультант вазифаси- да хизмат қилаяпти. Жамо- ат ишларида фаоллиги боис университетда бўлиб ўтадиган ҳеч бир тадбир



унинг иштирокисиз ўтмай- ди. Мафтуна ва Зебо эса асосий вақтини билим олишга сарфлаётганлар- дан. Бир сўз билан айтганда,

«Ёш етакчи қизлар клуби» ана шундай иқтидор соҳи- баларини излаб топиш ва қўллаб-қувватлашда парти- яга ҳар томонлама таянч бўлмоқда.

Масъулият

«Ёшлар қаноти» таътилга чиққани йўқ


Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»

— Айни пайтда аҳолининг 28,8 фоизи- ни 30 ёшгача бўлган ёшлар, 60,8 фоизи 18-34 ёшгача бўлган либерал-демократлар ташкил этаётгани «Ёшлар қаноти» зим- масига жуда катта масъулият юклайди.

Партияимиз гоё ва мақсадларидан келиб чиқиб, ёшлар дунёқа- рашини шаклланти- риш, ҳаётда ўз ўринла- рини қатъий белгилаб олишларига кўмакла- шиш, жамиятда муно- сиб ўрин эгаллаб, он- гли ва билимли ёшлар бўлиб вояга етишлари- ни таъминлаш асосий вазифамиздир. Айниқ- са, уларда ишбилар- монлик кўникмаларини ривожлантириш, биз- несга кенг жалб этиш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиё- сий тараққийтимизни таъминлашга ҳам хиз- мат қилади. Жойларда ташкил этилаётган тур- ли учрашув ва давра суҳбатлари, семинар ҳафта тарғибот-ташви- қот тадбирлари айнан шу мақсадларга қаратил- япти.

— Шу кунгача партиянинг «Диплом билан — бизнесга», «Парламентда менинг ўрним», «Ишбилармон талаба», «Ёш тадбир- кор — элга мададкор» сингари лойиҳаларида 4000 га яқин жиззаҳлик иқтидорли ёшлар фаол қатнашдилар, — дейди Олим Норжигитов. — Масалан, «Ёшлар қано- ти» фаолларидан бири Алишер Сафаров 2011 йил «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси- нинг республика босқ- ичида «Жиззах вилоят- тида кўчатчилик ва ўсимликлар интрадук- цияси (иқлимлашти- риш)» лойиҳаси билан қатнашиб, «Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда энг яхши инновацион лойиҳа» номинацияси бўйича 10 миллион сўмлик имтиёзли кре- дит олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шу



ўринда бугун вилоятда фаолият кўрсатаётган 6808 та кичик бизнес субъектининг аксарияти- ни Алишерга ўхшаш ёшлар бошқармоқдалар. Энг асосийси, кичик биз- неснинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 56,7 фоизга етди.

Кези келганда ўтган йили ўрта махсус, касб- хунар таълими муассаса- ларининг 215 нафар би- тирувчисига банклар то- монидан 1 млрд. 145 млн. сўмлик кредит ажратил- ганини ва шу ҳисобдан 275 та янги иш ўрни яра- тилганини қайд этиш мумкин. 2012 йилда эса касб-хунар таълими му- ассасалари битирувчи- ларига тадбиркорлик фао- лиятини амалга ошириши учун 1 млрд. 586 млн. 100 миң сўмлик кредит аж- ратиш режалаштирилган. Шу кунгача 228 нафар би- тирувчига 646 млн. 700 миң сўм миқдориде кре- дитлар берилиб, 235 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, яна 2 миң нафар касб-хунар коллежи битирувчиси банкларга кредит маса- ласида мурожаат қилган.

Таҳлилчилар парти- явий лойиҳалар доираси- да ўтказилаётган ўқув-се-

минарларда иштирокчи- лар Савдо-саноат палата- си, Бизнес-инкубатор, банк, сугурта, солиқ ва- килларидан иборат биз- нес-тренинглар ёрдами- да ўз бизнес-режалари тақдимотини ўтказибган- ларини алоҳида таъкид- ламоқдалар. Энг яхши бизнес-лойиҳа эгаларига тижорат банкларидан им- тиёзли кредит олиш учун йўланмалар берилмоқ- да. Агар кредит олиб иш бошлаган ҳар бир ёш тад- биркор камиде икки на- фар тенгдошини иш бил- ан таъминласа, вилоят- да яна 200 дан зиёд йи- гит-қиз иш жойига эга бўлади.

Хуллас, Жиззахда ёшларнинг ижтимоий-си- ёсий фаоллигини оши- риш, уларнинг бизнесга қизиқишларини янада қу- чайтириш ҳамда ўз тад- биркорлик фаолиятлари- ни йўлга қўйиш жараёни- да О'зЛиДеР «Ёшлар қано- ти» вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Бу эса тадбиркорлар сафи- га билимларга эга бўлган ёш мутахассислар кириб келаётганини англайди. Зеро, лойиҳалардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу эмасми аслида?!

Танлов

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, йигит-қизларнинг бу соҳада ўз салоҳиятини тўла рўйга чиқариши учун яқиндан кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай шарт-шароитлар туфайли қўллаб ёшлар хусусий корхона очиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга

Ёш тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги фаолиятини янада такомиллаштиришга, ота-боболардан мерос касбларни муносиб давом эттириш ва келгуси авлодларга етказишга интилаётгани қувонарлидир.

Навқирон авлод вакилларининг тадбиркорлик соҳасида фаоллигини ошириш, улар орасидан иқтидорли, ташаббускор йигит-қизларни янিকлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб бориш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда «Микрокредитбанк» ҳамкорлигида ташкил этилган «Ёш тадбиркор — юртта мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» кўрик-танловлари бу борада муҳим аҳамият касб этаётди.

— Бу тадбир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари сафини ёшлар ҳисобига кенгайтириш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш, микрокредит, микролизинг ҳамда истеъмол кредитлари олиш борасида янги имкониятлар яратмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент вилояти кенгаши раиси А.Қамолов. — Танловларда иштирок этиш истагини билдираётган ёшлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Жорий йилдаги танловларга асаларичилик, машиий хизмат кўрсатиш, деҳқон ҳўжалигини йўлга қўйиш, иссиқхона ташкил этиш, хунармандчиликни ривожлантириш бўйича гоёлар, қўллаб-қувватлаш лойиҳалар тақдим этилгани эътиборга молик.

Танловларнинг вилоят босқичида эллик нафар ёш тадбиркор ўз бизнес-режалари, тақлиф ва лойиҳалари билан иштирок этди. Малакали мутахассислардан иборат хайъат аъзолари бу лойиҳаларни атрафлича ўрганиб чиқди. Унинг якунига кўра, олти нафар ёш тадбиркор танловнинг мамлакат босқичига йўллана олди. Тадбирда истиқболли лойиҳалар эгаларига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар олиш учун сертификатлар топширилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, йигит-қизларнинг бу соҳада ўз салоҳиятини тўла рўйга чиқариши учун яқиндан кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай шарт-шароитлар туфайли қўллаб ёшлар хусусий корхона очиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга

Ёш тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги фаолиятини янада такомиллаштиришга, ота-боболардан мерос касбларни муносиб давом эттириш ва келгуси авлодларга етказишга интилаётгани қувонарлидир. Навқирон авлод вакилларининг тадбиркорлик соҳасида фаоллигини ошириш, улар орасидан иқтидорли, ташаббускор йигит-қизларни янিকлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб бориш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда «Микрокредитбанк» ҳамкорлигида ташкил этилган «Ёш тадбиркор — юртта мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» кўрик-танловлари бу борада муҳим аҳамият касб этаётди. — Бу тадбир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари сафини ёшлар ҳисобига кенгайтириш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш, микрокредит, микролизинг ҳамда истеъмол кредитлари олиш борасида янги имкониятлар яратмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент вилояти кенгаши раиси А.Қамолов. — Танловларда иштирок этиш истагини билдираётган ёшлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Жорий йилдаги танловларга асаларичилик, машиий хизмат кўрсатиш, деҳқон ҳўжалигини йўлга қўйиш, иссиқхона ташкил этиш, хунармандчиликни ривожлантириш бўйича гоёлар, қўллаб-қувватлаш лойиҳалар тақдим этилгани эътиборга молик. Танловларнинг вилоят босқичида эллик нафар ёш тадбиркор ўз бизнес-режалари, тақлиф ва лойиҳалари билан иштирок этди. Малакали мутахассислардан иборат хайъат аъзолари бу лойиҳаларни атрафлича ўрганиб чиқди. Унинг якунига кўра, олти нафар ёш тадбиркор танловнинг мамлакат босқичига йўллана олди. Тадбирда истиқболли лойиҳалар эгаларига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар олиш учун сертификатлар топширилди.

Л.СУВОНОВ, ЎЗА МУҲБИРИ.

Самарқанд. «Гулбод Нур Омад» МЧЖ қошидаги БПТда ўтказилган давра суҳбатидида «Мустақкам оила йили» Давлат дастури бажарилишида О'зЛиДеРнинг устувор вазифалари ва БПТларнинг ўрни» билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон. Қўнғирот сода заводи унитар корхонаси қошида янги бошланғич партия ташкилоти иш бошлади. Корхонада О'зЛиДеР юқори ташкилотлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган махсус йиғилишида 15 нафар янги аъзога гувоҳномалар топширилиб, Бахтияр Алаяров БПТ раиси этиб сайланди. Келгусида бу ердаги партия аъзолари 100 нафардан ошириш мўлжалланмоқда.

Тошкент. О'зЛиДеР Оҳангарон туман кенгашида партия мақсад ва вазифаларини қўйи бўғинга етказиш ҳамда аъзолар сафини кенгайтириш масалаларига бағишланган очик мулоқот ташкил этилди. Унда БПТларда ишроо ва аъзолик бадалларини тўлаш интизомини яхшилаш масалалари кўриб чиқилди. Бошланғич ташкилотлар ишини янада такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берилди.

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayti: www.21asr.uz

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

2012 йил 12 июль, пайшанба, 28-(452)-сон

Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга

МАЪЛУМКИ, ПАРТИЯ ИЛГАРИ СУРАЁТГАН МАҚСАД ВА ҲОЯЛАРИНИНГ КЕНГ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИГА ЕТИБ БОРИШИДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ЕТАКЧИ ЎРИН ТУТАДИ. ҚОЛАВЕРСА, ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҚКАМЛАШДА ҲАМ ҚУЙИ БЎҒИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ КАТТА. ХЎШ, БУГУН АНА ШУ ИМКОНИАТЛАРДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛАЯПТИ?

2011 йилнинг август ойидан бери О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятини такомиллаштириш» махсус ташкилий акцияси юқоридаги саволга жавоб топшида кўл келаётган. Жойлардаги БПТлар фаолияти, эришилган натижалар ва йўл кўйилган камчиликларни чуқур таҳлил этишга қаратилган ушбу тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.



Мазкур акция доирасидаги тадбирларнинг биринчи босқичида асосан ташкилий масалаларга эътибор қаратилди. Жумладан, республикамизнинг барча ҳудудларидаги БПТлар фаолияти чуқур ўрганилди ва тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди. Шунингдек, партия аъзоларининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Иккинчи босқич эса қуйи бўғин фаолиятида муҳим омил бўлган БПТ етакчиларини танлаш, кадрлар захираси ҳамда иш юритиш тизимини такомиллаштириш масалаларини қамраб олади. Ушбу босқичда бошланғич ташкилотлар, уларнинг раислари билан мунтазам ва узвий алоқани йўлга қўйиш, БПТ фаоллари орасидан муносиб номзодларни О'зЛиДеР кадрлар захирасига киритиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилди.

— Жорий йилда БПТлар фаолиятини мониторинг қилиш, уларга яқиндан кўмаклашишга қаратилган тадбирлар янги босқичга кўтарилди, — дейди О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши

Ижроия қўмитасининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш сектори бош маслаҳатчиси Бахтиёр Аҳмедов. — Жорий йил февраль ойидан бошлаб О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари билан йиғилишлар раҳбариятининг ҳар олти ойда бир марта, шунингдек, барча туман (шаҳар) партия ташкилотлари раҳбариятининг ҳар ойда бир марта бошланғич ташкилот раислари ва аъзолари билан йиғилишлар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Мутахассислар фикрича, бошланғич ташкилотларнинг қизгин фаолият юритиши учун фақат партия низоми ва дастуридаги вазифалардан яхши хабардорлик, қатъий ижрочилик сифатларининг ўзи камлик қилади. Ташаббускорлик йўқлиги, шунингдек, юқори партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари, энг муҳими, электротрат билан алоқаларнинг

узиб қўйилиши ҳам бошланғич ташкилотлар фаолияти сустайишига олиб келмоқда. Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда БПТларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга амалий кўмак бериш зарурати ҳам юқори партия ташкилотлари зиммасига катта масъулият юқлайди. Ана шу муҳим муаммоларни ҳал этиш, юқори ва қуйи бўғинлар ўртасидаги муносабатларни мустақамлаш «Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятини такомиллаштириш» махсус акциясининг устувор мақсадларидан биридир.

Тадбир давомида, шунингдек, ҳудудий партия ташкилотларидаги БПТлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчиларнинг сиёсий билим ва қўникмаларини таркомиллаштириб боришга қаратилган яхлит тизимни яратиш, уларнинг фаолиятини доимий мониторинг қилиб боришга оид саволлар варақиси тайёрланди.

Ҳозиргача мазкур саволномаларга 210 нафар ходимдан жавоб олинди, мониторинг ишлари амалга оширилди.

Таъкидлаш жоиз, «Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятини такомиллаштириш» махсус акцияси БПТлар тизимини шаклланди ҳамда мазмунан такомиллаштиришни назарда тутди. Акция доирасида БПТ гувоҳномаларининг рақамланган, серияли янги тартиби амалга татбиқ этилмоқда. Асосий эътибор эса партия аъзоларининг сифат ва сон кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилди. Мутасаддиларнинг эътироф этишича, партия электорати бўлмиш фермерлар, тадбиркорлик субъектлари ўртасида, шунингдек, корхона ва ташкилотларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш орқали О'зЛиДеР аъзолари сонини жорий йил охиригача 180 минг нафарга етказиш кўзда тутилган.

«Ёшлар қаноти»

Наманган. Мингбулоқ туманида «Ифтихоримсан қишлоғим» мавзусида ёшлар ўртасида иншоолар танлови ўтказилди. Унда О'зЛиДеР туман кенгаши ва «Камолот» ЕИХ туман бўлими вакиллари ҳам фаол иштирок этишди. Танловда ғолиб бўлган йигит-қизлар партияимиз таъсис этган совғалар билан тақдирланди. Тадбирда, шунингдек, партиянинг мақсад ва вазифаларини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш ва мавқени кучайтиришга ҳам эътибор қаратилди.

Сирдарё. Партия «Ёшлар қаноти» томонидан Оқолтин туманида «Оилавий бизнесни ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омилдир» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида гап борди. Аҳоли кенг қатламларини оилавий бизнесга жалб этиш орқали бандликни таъминлаш, унинг афзалликлари ва бу борада яратилаётган имкониятлар муҳокамалар марказида бўлди.

Жиззах. Фориш туманида «Мустақкам оила барпо қилишда маҳалларнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Мазкур тадбирда «Мустақкам оила йили»да мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва таркомиллаштириш бўйича қабул қилинаётган янги қонунлар ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар замон талабларини ўзида акс эттираётгани хусусида сўз юритилди.

Ташаббусга реал натижа билан баҳо берилади

УРГАНЧ ШАҲРИДАГИ «ФЕРУЗ-ХОРАЗМ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚОШИДАГИ БПТ АЪЗОЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН 30 ТА КАСАНАЧИЛИК ИШ ЎРНИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўз мухбиримиз

Таъкидлаш керак: тўқимачилик махсуслотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган жамиятда фаолият кўлами кенгайтиришни боис иш ўринлари ташкил этиш учун кенг имкониятлар бор. Масалан, ўтган йили корхонанинг товар айланмаси 4,5 миллиард сўмни, соф фойда эса 600 миллион сўмни ташкил этди.

Албатта, жамоада О'зЛиДеР мавқени янада мустақкамлашда БПТ аъзолари, айниқса, маслақдошлар етакчисининг ҳиссаси катта бўлаяпти. Дурдона Қурбониязова ёш бўлишига қарамай, корхона ишчи-хизматчилари билан тил топишиб, уларни ўз ортидан эргаштириш, О'зЛиДеР ғоялари сари руҳлантиришга эришмоқда.

— Етакчи, энг аввало, сиёсий куч илгари сураётган ғояларга чин юракдан ишониши ва ўзгаларни ишонтира олиши керак, — дейди БПТ етакчиси. — Корхонамиздаги 32 нафар О'зЛиДеР аъзосига доим шу фикрни сингдиришга ҳаракат қиламан. Партиявий фаолият тимини сиз ҳаракатни



ва тўхтовсиз билим олишни тақозо этишини тушунтираман. Интилишларимиз бекор кетмади. Яна 10 нафар ходимимиз О'зЛиДеР фаолиятига қизиқиши ортиб, партияга аъзо бўлиш истагини билдирдилар.

Шу ўринда қайд этиш керакки, ушбу БПТ вилоятда энг намунали бошланғич ташкилот

сифатида аҳолининг обрў-эътиборли вакиллари билан яқин алоқалар ва доимий учрашувларни йўлга қўйиш, мавжуд муаммоларга партиявий воситалар ёрдамида ечим топиш ва интилиб келади. Айниқса, юқори ташкилотларнинг кўрсатмалари ижросини таъминлашда БПТ вилоятдаги барча қуйи бўғин субъектларига намуна бўлмоқда.

Яна бир ибратли жиҳати, ушбу БПТ малакали партиявий кадрлар етиштиришда ҳам катта салоҳиятга эга эканини намоён этди. 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган сайловларда намунавий БПТ аъзоси Клара Жумамуратова Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланди. У пойтахтда ишлашига қарамай, ҳар чоракда бир марта БПТ аъзолари билан учрашиб, фикр алмашиб туради.

Айтиш жоизки, мазкур бошланғич ташкилот ҳар томонлама жиҳозлангани, намунавий қуйи бўғин талабларига мос кўрсаткичларга эгаллиги билан бошқа БПТлардан фарқ қилади. Бу ерда турли йўналиш ва мавзулардаги тадбирларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратилади. Мисол учун, 2012 йил 1 июнь ҳолатига БПТ ташаббуси билан саккизта тадбир ўтказилди. Уларнинг ҳаммаси республика ОАВларида кенг ёритилди. Шунинг ўзидек, «Феруз-Хоразм» акциядорлик жамияти қошидаги БПТнинг тобора танилиб бораётганидан гувоҳлик бериб турибди.

Наманганда шундай БПТ бор...

НАМАНГАНДА ЭНГ ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН КАРДИОЛОГИЯ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШИБ, БУ ЕРДА ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН О'ЗЛИДЕР АЪЗОЛАРИНИНГ ТИББИЁТ СОҲАСИДА ЭРИШИЛАЁТГАН УЛКАН НАТИЖАЛАРДА ҲАМ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОРЛИГИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛДИК

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

Саккиз йил аввал ташкил этилган БПТнинг ўз атрофига юзга яқин тиббиёт ходимини бirlаштиришга муваффақ бўлгани эса жойларда либерал-демократик ғоялар қўллаб-қувватланаётганлигини ҳам кўрсатади.

— Гарчи партия аъзолари ягона мақсад сари интилаётган бўлсаларда, улардаги инсоний сифатлар, салоҳият ва қизиқишлар партиявий фаолиятда жуда кучли омил ҳисобланади, — дейди БПТ етакчиси Муқаддам Обидова. — Партия аъзолари фаолиятига ана шундай муносабатда бўлиш уларга партиявий топшириқлар бериш ва ижросини таъминлашда ҳам муҳимдир.

Кези келганда таъкидлаш керакки, мазкур БПТ томонидан ўтказилаётган тадбирларда кучли тарғибот юритилаётгани натижасида партия хайрихоҳлари ва уни қўллаб-қувватловчилар сони кўпайиб бормоқда. Мисол учун, «Биргалликда биз — кучмиз» шiori остида ташкил этилган тадбирлар якуни-

да БПТ сафи 48 нафар янги аъзога кўпайди. Бундан ташқари, электротлотларни бугунги кун талабларига тўла жавоб бера олаётгани, деб бўлмади, — дейди Муқаддам Обидова. — Масалан, бизда 100 нафар партия аъзоси бор. Бу жуда катта сиёсий куч, катта салоҳият ва имконият, деганидир. Аммо айрим аъзоларимиз ҳалигача ўзлари яшайдиган ҳудудда партияимиз учун устувор вазифа бўлмиш тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларни янада яхшилаш юзасидан таълим масалаларига бағишланган «Баркамол авлод шаклланишида ўрта махсус таълимнинг аҳамияти ва зарурати» мавзусида туркум семинарлар ўтказилаётганини мисол сифатида тилга олиш мумкин.

— Аммо шунинг ҳам тан олиш керакки, аксарият бошланғич ташкилотларни бугунги кун талабларига тўла жавоб бера олаётгани, деб бўлмади, — дейди Муқаддам Обидова. — Масалан, бизда 100 нафар партия аъзоси бор. Бу жуда катта сиёсий куч, катта салоҳият ва имконият, деганидир. Аммо айрим аъзоларимиз ҳалигача ўзлари яшайдиган ҳудудда партияимиз учун устувор вазифа бўлмиш тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларни янада яхшилаш юзасидан таълим масалаларига бағишланган «Баркамол авлод шаклланишида ўрта махсус таълимнинг аҳамияти ва зарурати» мавзусида туркум семинарлар ўтказилаётганини мисол сифатида тилга олиш мумкин.

тегишли йўл-йўриқ кўрсатишда ўз амалий ёрдамларини кучайтирсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Албатта, БПТ етакчисининг ўз маслақдошлари учун қайғуриши, мавжуд ҳолатга реал баҳо бериши ижобий ҳолат. Қолаверса, корхона бош врачси Солихон Мўминовнинг юқори партия ташкилотларида масъул вазифада экани ҳам бундай муаммоларни тез бартараф этилишига умид уйғотади.

XXI ASR

ижтимоий-сиёсий газетаси



2012 ЙИЛИНИНГ 5 ОЙИГА

БПТлар учун имтиёзли

ОБУНА

уюштирилаётганини маълум қилади.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

Жараён

Молиявий барқарорликдан — иқтисодий тараққиётга

БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ ЎЗ ЗИММАЛАРИДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ТЕРАН ХИС ЭТАЁТГАНЛАРИ НАТИЖАСИДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТУРЛИ ЖАБХАЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР КУТИЛГАН САМАРА БЕРМОҚДА

Шаҳзод НАЗАРОВ,
«XXI ASR»

Молия бозорида ўз мавқеига эга бўлган ОАТБ «Агробанк» фаолиятини олайлик. Ҳисобот даврида банкнинг кредит қўйилмалари 1 трлн. 745 млрд. сўмни ташкил қилиб, йил бошига нисбатан 719 млрд. сўмга ёки 170 фоизга ошди.

Кредит қўйилмаларининг 1 трлн. 193 млрд. сўми ёки 68 фоиздан ошган узок муддатли кредитлардир. Бу ўз-ўзидан шундан далолат берадики, кўплаб корхоналаримиз ўзларининг йирик бизнес-режаларини амалга ошириш имкониятларига эга бўлмоқдалар.

Жорий йилнинг ўтган даврида ажратилган инвестицион сармоялар миқдори 164,3 млрд. сўмни ташкил этиб, 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 54,9 млрд. сўм ёки 150 фоизга ошди. Ажратилган кредитлардан 38,7 млрд. сўми (24%) саноат, 48,2 млрд. сўми (29%) қишлоқ хўжалиги, 42,0 млрд. сўми (27%) моддий-техник таъминоти, 35,4 млрд. сўми (20%) қурилиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилди.

Республикадаги иқтисодий ночор, кам қувватли ҳамда фаолиятсиз корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган давр мабайида 85 та корхонани соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш учун 56,9 млрд. сўм миқдорда молиялаштириш очилиги бўлиб, шундан ҳозирда 39,9 млрд. сўми банк кредитлари ҳисобига амалга оширилди.

ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИОН ДАСТУРИ ИЖРОСИ БЎЙИЧА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги 1668-сонли қарорига асосан 2012 йил инвестиция дастури ижроси бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Тармоқ жадвалига асосан бугунгача 6 та лойиҳа учун 15,8 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Жумладан, «Шўрчидонмаҳсулотлари» АЖга тегишми қехини модернизациялаш учун 7,5 млрд. сўм ҳамда «Дўстлик-донмаҳсулотлари» АЖга 4,8 млрд. сўм, омухта ем ишлаб чиқариш қехини модернизация қилиш учун «Когондон-маҳсулотлари» АЖга 400 млн. сўм ва «Фаргонадон-маҳсулотлари» АЖга 2,5 млрд. сўм сармоя йўналтирилди. Идорапаро кенгаш томонидан «Уздонмаҳсулот» компанияси таркибидagi 7 та корхона инвестиция лойиҳалари дастурига қўшимча равишда киритилди ва ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 5,4 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Шунингдек, «Тошкент агрегат заводи» ОАЖ «Кувасой цемент» очик акциядорлик жамиятлари 1,5 млн. АҚШ доллари миқдордаги тегишми модернизациялаш билан боғлиқ лойиҳаларни ҳам молиялаштиришга қарор қилинди.

Банк томонидан чет эл инвестициясини жалб этиш орқали ҳам инвестициявий лойиҳаларни молиялаш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунда «Агробанк» томонидан 6 та халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, жами 84 млн. АҚШ доллари ва 2,8 млн. евро миқдордаги кредит линиялари жалб қилинган.

Жумладан, Осиё тараққиёт банкнинг кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш йўналишида «Кичик ва микромолиялашни ривожлантириш 2-фаза» лойиҳаси доирасида 6 млн. АҚШ доллари, «Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси» доирасида 13,4 млн. АҚШ доллари;

— Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг «Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси» барча компонентлари бўйича 15,5 млн. АҚШ доллари;

— Халқаро тараққиёт уюшмасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси II босқичи» доирасида 8,2 млн. АҚШ доллари ва 12,4 млрд. сўм;

— Ҳусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси (ХСРИК) кредит линиясининг 11 млн. АҚШ доллари миқдордаги сармоялари жалб қилинган.

Фақат шугина эмас. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Ҳусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси (ХСРИК) кредит линиясидан қўшимча равишда 6 млн. АҚШ доллари миқдорда кредит жалб қилиш бўйича тегишли шартнома имзоланди.


Айни кунда мазкур линия ҳисобидан 4,9 млн. АҚШ доллари миқдордаги 11 та лойиҳа молиялаштирилди ва 1,5 млн. АҚШ доллари миқдордаги яна 4 та лойиҳа молиялаштириш учун қабул қилинди. Шунингдек, Польша Миллий банки билан имзоланган меморандумга асосан жалб қилинадиган кредит маблағларини ўзлаштириш юзасидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАР ҚАЙТАДАН ОЁҚКА ТУРМОҚДА

Иқтисодиётимиз ўсиш суръатларини кўтаришда ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу боис республикадаги ночор ҳолатга келиб қолган корхоналар фаолиятини тиклаш давр талабидир. Банк балансида ўтказилиб, банк маблағлари эвазига инвестициялар киритилиб, улар фаолиятини тиклаш борасида амалга оширилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бу борада «Агробанк» томонидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга моликдир. Айни кунда 13 та иқтисодий ночор корхона банк балансида қабул қилинган бўлиб, банкротлик жараёни билан боғлиқ 1,7 млрд. сўм миқдордаги тўловлар тўлаб берилди. Банкорт корхоналар фаолиятини тиклаш, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнини қайта модернизациялаш учун жами 34,9 млрд. сўм, шу жумладан, 2012 йилнинг ўзида 2,2 млрд. сўм миқдорда инвестиция киритилди. Шу ҳисобдан 16 млрд. сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва монтаж ишлари амалга оширилганлиги эътиборга моликдир. Ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш учун 10,2 млрд. сўм миқдорда айланма маблағ ажратилди.

Рақобатбардош ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хориждан замонавий технологиялар сотиб олиш учун 9 млрд. сўм ёки 4,9 млн. АҚШ доллари миқдорда сармоя йўналтирилди.

Амалга оширилган ана шу каби хайрли ишлар натижасида банкрот корхоналар ўрнида йиллик лойиҳа қуввати 114,7 млрд. сўмга тенг бўлган, бошқача айтганда, 7,8 минг тонна озиқ-овқат ва 905 тонна текстиль маҳсу-



лотлари, 2 млн. дон атиргул етиштириш, терини қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиқ техникаларига хизмат кўрсатишга ихтисослашган янги корхоналар барпо этилди. Натжида 600 дан зиёд киши иш билан таъминланди.

Бугунгача белгиланган бизнес-режа кўрсаткичларига асосан фаолият тикланган корхоналарда 23,6 млн. сўм миқдорда маҳсулот тайёрланди, шундан 8,6 млн. АҚШ доллари миқдордаги экспортга йўналтирилди. Банк кредитлари ҳисобидан 3 000 тонна калава ип ва текстиль буюмлари, 522 тонна гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, 400 минг тонна металл қайта ишланди ҳамда 1 300 гектар ер майдонига агротехник тадбирлар ўтказилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эгадир.

Энг муҳими, банк балансида олинган 10 та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ қайта тикланди. Фаолият тикланган 10 та корхона бозор қийматида 31,6 млрд. сўмга баҳоланди ва босқичма-босқич тўлаш шарт билан салоҳиятли инвесторларга 37,3 млрд. сўмга сотилди. Улар орасида Намангон вилоятидаги «Инвестекс-ИБ», Фаргона вилоятидаги «Тексикен», «Вайт чикенс», «Мега драй», Хоразм вилоятидаги «Агромаҳсул-затишсозлаш» ва «Богот-Агро», Самарқанд вилоятидаги «Самарқанд Агромуз» МЧЖ, Тошкент вилоятидаги «Фреш роз», Қорақалпоғистон Республикасидаги «Карақалпақ микс дайри» корхоналари бор.

Бугунги кунга қадар янги мулкдорлар томонидан 6,7 млрд. сўм миқдордаги маблағ тўлаб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги 310-сонли қароридан келиб чиқиб, Кўкон шахрида жойлашган «Коканд милк қулойти» ва «Премимум лизер» МЧЖлари бўйича қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари банк томонидан тўлиқ бажарилди. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида фаолият тикланган корхоналарда қурилиш-монтаж ҳамда модернизация-


лаш ишлари тўлиқ якунига етказилди.

ЗАМОНАВИЙ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИ ТОБОРА ОМИЛАШТИРИЛДИ

Бир пайтлар янги пластик карточка тизими банк тизимида ташкил этилиб, ҳаётга кириб келган пайтлар одамлар орасида қизиқ-қизиқ хангоналари эширтди. Ҳақиқатан ҳам, электрон ҳамён биз учун янгилик ва қизиқарли эди. Бугунги кунда эса унинг қанчалик қулайлигини ва жамиятимиз ривожидagi аҳамиятини кўриб киши ўз-ўзидан таъжирланади. Бундан ташқари, банклар томонидан пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган алоҳида эътибор тақсирга сазовордир. Биргина «Агробанк» томонидан ҳозиргача жойларда ўрнатилган терминаллар сони 19478 тага, тарқатилган пластик карточкалар сони эса 1 миллион 822 мингга етди. Бу ўтган йилнинг айни даврига нисбатан анча кўпдир.

Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали 839,5 млрд. сўм миқдорда айланма операциялар амалга оширилди, 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 112 фоиз ўсиш таъминланди. Банк томонидан республикамиз ҳудудларида ўрнатилган 139 та инфокиоск ва банкматлар чакана хизматларни молиялаштириш, шунингдек, аҳолининг ойлик иш ҳақи ва пенсия тўловларини пластик карталар орқали амалга оширишда жуда кўл келаяптир.

1 Дания кронаси	▲ 312,69	1 Канада доллари	▲ 1856,94	1 Туркия лираси	▼ 1040,51
1 БАА дирҳами	▲ 515,37	1 Малайзия ринггити	▼ 593,85	10 Жанубий Корея вонни	▲ 16,57
1 Миср фунти	▲ 312,57	1 Польша злотийси	▼ 548,10	1 Россия рубли	▲ 58,01
1 Исландия кронаси	▼ 14,75	1 СДР	▼ 2853,19		



ТАДБИРКОРГА МИНГ ҲУНАР ҲАМ ОЗ

Косонсой туманидаги «Аҳмадхон ҳожи Косоний» фермер хўжалиги бундан 7 йил аввал атиги 10 мингта товуқ боши билан иш бошлаган бўлса, айни пайтда хўжалик аъзолари 100 минг бош этли парранда парвариш қилмоқдалар. Анвархон Абдуллаев етакчилик қилаётган фермер хўжалиги кунига 40-45 минг дон тухумни ички бозорга ҳам чиқармоқда.

— Утган йили хориждан 3 минг тупга яқин шафтоли, олма, беҳи, олхўри, пилос каби қўчатларни олиб келиб, тажриба сифатида экиб қўргандик, — дейди А.Абдуллаев. — Дастлабки йили аксарият қўчатлардан ҳосил олинди. Шундан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда 13,5 гектар ерда интенсив бoғ яратдик.

Наманган вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати маълумотларига қараганда, тадбиркор туман аҳолисига нон ва нон маҳсулотларини етказиб берадиган замонавий корхона ташкил этишга ҳам киришган. Шундан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда 13,5 гектар ерда интенсив бoғ яратдик.

Наманган вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати маълумотларига қараганда, тадбиркор туман аҳолисига нон ва нон маҳсулотларини етказиб берадиган замонавий корхона ташкил этишга ҳам киришган. Шундан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда 13,5 гектар ерда интенсив бoғ яратдик.

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Навоий шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида ишга туширилган «Авапарк» болаларнинг таълими маркази ўтказишга хизмат қилмоқда. Замонавий сузиш аттракционлари ҳар кун бoлақонлар билан гавжум.

Мазкур иншоот Навоий вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш инжиниринг компанияси бюротиаси асосида «Шарқ қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилди.

— Шаҳримизнинг марказий истироҳат боғида замонавий «Авапарк»нинг ишга тушишини ҳажжи бoлақонларимиз кўндан орозу қилишарди, — дейди парк директори Соҳиба Барноева.

— Бу ерда ҳар бири 200 кишига мўлжалланган иккита эркаклар ва аёллар зали, тиббиёт пункти, ювинчи ва кийиниш, дам олиш хоналари, ута бассейни бор. Бешта сув аттракционлари дам сўвчиларга хизмат қўрсатишда. Қўмилишга келувчилар шифокор кўригилари ўтказилади.

Болалар хавфсизлиги назоратчилар томонидан таъминланди. Ҳарорати мўътадил сув ҳар кун филтёрланади.

Бу ерда болалар, катталар ва оилавий дам олувчилар учун махсус сузиш қурилмалари, соябонли курсилар ўрнатилган. Айниқса, кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган аттракционларнинг қулай ва хавфсизлиги ота-оналарга манзур бўлмоқда. Бoғ ичидa музикавий ва яна ичимликлар сотиладиган дўконлар ишлаб турибди. Келгусида бу ерда енгил тамаддиҳона очил ҳам режалаштирилган. Арча ва турли манзарали дарахлар, турфа гуллар кишининг баҳри дилини очди.

Қарор ва ижро

Тўкинлик

ШУ КУНЛАРДА БОЗОРЛАРИМИЗГА КИРГАН КИШИ ПЕШТАХТАУ РАСТАЛАРДАГИ ТУРФА НОЗ-НЕЪМАТЛАРНИ КЎРИБ, ОНА-ЕР САҲОВАТИ, ДЕҲҚОН ҲИММАТИГА ТАҲСИН АЙТМАЙ ИЛОЖИ ЙЎҚ

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

Мамлакатимизда янги бозорлар барпо этиш, мавжудларининг фаолиятини ривожлантириш, такомиллаштириш ва ободонлаштириш, соғувчи ва харидорларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида изчил, кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йилнинг 26 апрелида қабул қилинган «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлаёттир.

Олиб бoрилаётган ободонлаштириш ишлари кўзни қувонтирсан, нарх-навоининг харидор талабидан келиб чиқиб шакллантирилаётгани, нархлар асоссиз ўсишининг, сифатсиз ва қалбаки маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш бўйича изчил чоралар кўрилаётгани истеъмошчиларга манзур бўлмоқда.

Тошкент шаҳридаги бозорлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасидан маълум қилишларича, бозорларда соғлом рақобатни ривожлантириш орқали аҳолига қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини узлуксиз, нисбатан арзон нархларда етказиб бeриш, уларнинг банк пластик карточкалари орқали сотилишини йўлга қўйиш мақсадида «Элга хизмат» шўъба корхонаси ташкил этилган.

Юртимизда кичик бизнес, ҳусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати кенг қўлаб кўриб, халқ истеъмоли ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми муттасил ўсиб бoраёттир. Натжида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички бозорни таъминлашдаги аҳамияти ортмоқда.

Пойтахтимиздаги «Фарҳод деҳқон бозори»нинг бугунги қиёфаси, харидор ва сотувчиларга яратилган қулай шарт-шароитларни бундан ўн-ўн беш йил олдингиси билан асло таққослаб бўлмайди. Бозорни қиска муддатда янада ободонлаштириш таъмирланиб, унинг ҳудуди ва автомобили тўхташ жойи кенгайтирилди. Кириш жойлари ва йўлаклар тартибга солинди.

«Western Union»: тез, ишончи, қулай

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЙИРИК МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДАН БИРИ — ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ХАЛҚ БАНКИ «WESTERN UNION» ХАЛҚАРО ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ КОМПАНИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЗАМОНАВИЙ ПУЛ ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР ТАШКИЛ ҚИЛДИ

ошириш, уларни мазкур тўлов тизими моҳияти билан янада яқинроқ таништириш айни кундаги муҳим масалалардан биридир. Қолаверса, бундай тадбирлар «Western Union» хизматидан фойдаланиш қўламини кенгайтиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, молия бозорига эл йиллик тажрибага эга бўлган Халқ банки истикбол сари дадил одим ташламоқда. Бу ерда хоҳ юридик, хоҳ жисмоний шахс бўлсин, барча турдаги хизматлар кўрсатилапти. Молия муассасасининг 14 та худудий, 184 та туман филиаллари ва 270 та мини-банки ана шу мақсадда сафарбар этилган. Халқ банки жамоаси «Western Union» пул ўтказмалари тизимининг ишончли шерикларидан бири саналади. Улар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Фақат шугина эмас. «Western Union» халқаро тўлов тизими молия бозорига кенг томмир ёлган бўлиб, жаҳоннинг 200 давлатида унинг 500 мингдан ортқ бўлими фаолият кўрсатмоқда. Тез, ишончли ва қулайлиги билан барчага бирдек манзур бўлаётган ушбу тўлов тизими орқали ўтган йили юртимизда 226 млн. АҚШ доллари миқдорда трансакциялар амалга оширилган. Халқаро миксидда олиб қарайдиган бўлсак, бу, албатта, эътиборга лойиқ рақамдир.

Косон туман ҳокимлиги, «Нуроний» жағирмаси туман бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими, Манафит-тарғибот маркази туман бўлими меҳнат фахрийси Тожи Султоновнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардик билдиради.

Эркин иқтисодий зоналар

МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ БАРҚАРОР ВА ИЗЧИЛ ЎСИШИ УНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚДИР. ФАҚАТ ШУ ЙЎЛГИНА УНИ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАШНИ ТАЪМИНЛАЙ ОЛАДИ

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Бугун иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш хорижий сармояларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шароитлар яратиш ҳар қандай мамлакат учун энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масалалардир. Албатта, бундай вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутди. Бу эса инновацион фаолиятни ривожлантириш, илғор технологияларни жорий қилиш, экспорт, шунингдек, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, маҳаллий маҳсулот ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорларда халқаро сифат, сертификатлаштириш талабларини жорий этиш орқали рақобатбардошлигини ошириш, янги иш жойларини барпо этиш, малякали ишчи-муҳандислар, хўжалик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ва улар малакасини ошириш каби бир қатор муҳим масалаларни ҳал этиш имконини беради.

Бугунги глобаллашув жараёнида рақобатнинг даражасидан қатъий назар, дунёнинг барча мамлакатларида бирдек таъсир этмоқда. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз эса ушбу рақобат курашини янада кескинлаштираётди.

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда асосий эътибор мамлакат ҳудудларининг табиий ресурслари ҳамда индустриал салоҳиятидан фойдаланиш самарасини юксалтириш ва охир-оқибат экспорт тизимини кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Айнан шу йўналишда жаҳон таърибасида кенг қўлланилаётган ва ўз самарасини бераётган бир қатор воситалар мавжуд.

Пул-кредит ва солиқ сиёсатида имтиёзларни жорий қилиш, давлатнинг индустриал сиёсатига мос равишда сармоя киритаётган инвесторларга маълум бир имтиёзлар "пакети"ни тақдим этиш ва улар учун зарур бўлган инфратузилмавий шароит ҳамда қулайликларни яратиш ана шундай воситалар сирасига қиради. Уларнинг барчаси "Эркин иқтисодий зоналар" (ЭИЗ) деб аталувчи маъмурий-иқтисодий тузилмаларда мужассамдир.

Ҳўш, ЭИЗ дегани нима ўзи? Айни пайтда кўплаб олимлар томонидан берилган таърифлардан келиб чиқсак, у мамлакат ичида давлат томонидан маълум бир иқтисодий ёки иқтисодий-ижтимоий мақсадларга эришишни кўзлаб ташкил этилган, ма-

сус иқтисодий ва маъмурий тартибга эга алоҳида ҳудуд бўлиб, унда фаолият юритаётган субъектлар учун мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан имтиёзли тартиб ва имкониятлар тақдим этиш демакдир.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг муҳим жиҳати маълум ҳудуд ёки ишлаб чиқариш соҳасини иқтисодий ривожлантиришни ра-

компаниялар томонидан бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда бу ерда Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон, БАА ва бошқа бир қатор давлатлар билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хорижий инвесторлар мамлакатдаги иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги ҳамда ушбу ЭИИЗда тақлиф

Бугунги кунда дунёда 3,5 мингдан зиёд ЭИЗ бўлиб, улар 140 тага яқин мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги ЭИЗларда салкам 70 миллион киши меҳнат қилади. Уларнинг йиллик савдо айланмаси эса 500 млрд. доллардан зиёддир. Айни пайтда ЭИЗларнинг жуда кўп турлари бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ҳамда глобаллашув жараёнининг таъсири натижасида улар ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан ўзгариб ва кўпайиб бормоқда.

батлантириш, шунингдек, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида эркин иқтисодий зоналардан иқтисодиётни модернизация қилишнинг ҳудудий услуби сифатида фойдаланишдир. Халқаро таърибда шунингдек, эркин иқтисодий зоналардан эркин иқтисодий зоналардан нафақат сармояларни жалб қилиш, балки ҳудудий иқтисодий сиёсат воситаси сифатида ҳам унумли фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда ушбу мақсадларга эришиш, шунингдек, эркин иқтисодий зоналар фаолиятидаги халқаро таърибалар афзалликларини иқтисодий тузилмага жорий қилиш мақсадида Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони асосан «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилгани қандай натижа бераётгани ҳаммаимизга маълум.

Мазкур ҳужжатнинг жаҳон иқтисодий инқирози бугун дунёдаги энг ривожланган мамлакатларга ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатаётган бир пайтда имзалангани эса юртимизда яратилган иқтисодий пойдеворнинг ниҳоятда мустаҳкамлигини ҳам тасдиқлайди.

«Навоий» ЭИИЗ мамлакатимизнинг марказий ҳудудида барпо этилгани, шубҳасиз, мазкур ҳудуднинг иқтисодий-индустриал ўсишига ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Шунингдек, мазкур ЭИИЗ «Навоий» халқаро аэропорти билан тўташ равишда барпо этилган ҳаво транспортдан кенг фойдаланишга имкон бериш борабарига жаҳондаги етук авиация ҳамда юк ташувчи компанияларнинг назарига ҳам тушди ва давлатимизнинг яна бир йўналиш бўйича мавқеи ошишига олиб келди.

Ўтган давр мобайнида «Навоий» ЭИИЗга хорижий

этилаётган имкониятлар ва имтиёзлар туфайли унга инвестиция киритиб, узок муддатли индустриал лойиҳаларни бошлаганларини билдирмоқдалар.

Таъкидлаш керакки, ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эркин (маҳсус) иқтисодий зоналар халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисмига айланди. Жаҳон хўжалик алоқалари учун эркин иқтисодий зоналар халқаро товар айирбошлашни фаоллаштириш ҳисобига иқтисодий ўсишни тезлаштириш, сармояларни жалб этиш, иқтисодий жараёнларни чуқурлаштириш омили сифатида муҳим роль ўйнамоқда. Маҳсулотлар бўжона ҳудудидан ташқарида деб кўриладиган эркин зонани ўзига хос ташқи савдо анклав сифатида таърифлаган 1973 йилги Киото конвенцияси имзоланганидан бери эркин иқтисодий зоналар кўплаб мамлакатларга тарқалди. Масалан, ўтган асрнинг 90-йилларида турли кўринишдаги минглаб эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсата бошлади. Мутахассисларнинг фикрича, 2000 йилга келиб ана шу ЭИЗлар орқали жаҳон савдо айланмасининг 30 фоизи айлана бошлади. Ўз фаолиятининг барқарорлиги учун имтиёзли шароитларни қидириб юрган халқаро корпорациялар ЭИЗ-ни юқори даромад топиши мумкин бўлган қулай ҳудудлар сифатида кўришди.

Шу ўринда дастлабки ҳудудий ЭИЗ сифатида 1547 йилда «Эркин савдо шаҳри» деб эълон қилинган Италиянинг Ливорно шаҳрини алоҳида тилга олиш жоиз. Шу билан бирга ушбу иқтисодий-маъмурий тузилма доимо ривожланиб, мукамаллашиб борувчи жабҳа ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда 3,5 мингдан зиёд ЭИЗ бўлиб,



улар 140 тага яқин мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги ЭИЗларда салкам 70 миллион киши меҳнат қилади. Уларнинг йиллик савдо айланмаси эса 500 млрд. доллардан зиёддир. Айни пайтда ЭИЗларнинг жуда кўп турлари бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ҳамда глобаллашув жараёнининг таъсири натижасида улар ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан ўзгариб ва кўпайиб бормоқда. «Эркин иқтисодий зоналар» категориясига «эркин савдо зонаси», «маҳсус иқтисодий зона», «маҳсус индустриал зона» каби 30 дан зиёд номдаги маҳсус иқтисодий-маъмурий ҳудудлар киритилиши ҳам бунинг тасдиғидир. Аммо шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, ЭИЗларда қурилган самарга эришиш учун уларни қачон, қандай йўналишда ва қандай миқдорда қўллашни аниқ билиш керак. Бу борада айнан шу учта асосий қоидага риоя қилмаслик туфайли уларнинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, собиқ «иттифокдош» республикаларнинг бир нечтаси ўтган асрнинг 90-йилларида шоша-шошарлик билан қатор эркин иқтисодий зоналарни ташкил этганларини бир эсга олайлик. Уша даврда мазкур мамлакатларда бозор инфратузилмаси ва муносабатлари шаклланишнинг бошланғич босқичида бўлгани ҳисобга олинмагани оқибатида уларга сарфланган маблағлар ва моддий ресурслар ҳеч қандай самара бермади. Пировадига ЭИЗларнинг аксарияти ўз фаолиятини тўхтатди. Бундай муваффақиятсиз ташаббусларга Молдова, Беларусь, Украина, Қирғизистон каби давлатлардаги ЭИЗлар мисол бўлиши мумкин. Мамлакатимизда эса аввало, мақбул

иқтисодий муҳитни яратиш, бозор иқтисодиёти институтлари ва хусусий тадбиркорлар синфини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Шу тариқа иқтисодий тизим ва ундаги хусусий сектор дунёдаги йирик инвесторлар билан айнан мамлакат иқтисодиёти учун самарали йўсинда, яъни юқори қўшимча қиймат яратувчи ишлаб чиқариш соҳаларида тўлақонли ҳамкорлик қила оладиган ҳолга келтирилди. Ўз вақтида эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир этиши ҳисобга олинган ҳолда, «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Ушбу саяё-ҳаракатлар бугун республикаимизда бир неча йиллар олдин бошланган иқтисодий сиёсатнинг нақадар пухта ишлаб чиқилгани ва оқилона эканлигини исботламоқдаки, буни нафақат юртимиз аҳолиси, балки дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари, ривожланган мамлакатлар раҳбарлари, етук иқтисодчи-олимлар ва йирик инвесторлар ҳам тан олмақдалар. Президентимизнинг шу йил 13 апрелдаги «Ангрен» маҳсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони мавофиқ, Ўзбекистонда иккинчи эркин иқтисодий зонага асос солинди. Ушбу Фармонда белгилаб берилган чора-тадбирлар

мамлакатимизда амалиётга изчил татбиқ этилаётган оқилона ва яхлит ижтимоий-иқтисодий стратегиянинг ажралмас қисми бўлиб, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарларининг бугунги кунда ислоҳ этилаётган сановат тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, замонавий технологиялар асосида қўшимча иш ўринлари яратилишини таъминлайди. Бу билан ушбу маҳсус иқтисодий зона Тошкент вилоятидаги иккинчи йирик ҳудуд — Ангрен ҳамда Оҳангарон шаҳарлари ва улар атрофида истиқомат қилаётган аҳоли фаровонлигини оширишга ҳам муносиб улуш қўшади.


Воқеалар, далиллар, шарҳлар

ПИЁНИСТА ҲАЙДОВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ҚОНУН



Францияда ҳаракат хавфсизлиги борасида яна бир янги қонун қабул қилинди. Унга кўра, мамлакатдаги барча ҳайдовчилар ўзлари билан алкотестер мосламасини олиб юришлари лозим. Ушбу қонун нафақат французларга, балки мазкур давлатдаги чет эллик ҳайдовчиларга ҳам тегишлидир. Жорий йилнинг ноябрь ойидан кучга кирадиган қонунда алкотестерни ёнида олиб юрмайдиган ҳайдовчига нисбатан 11 евро миқдорда жарима белгиланиши қайд этилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий этилаётган мазкур қонунда йўл транспорт ҳодисаларининг камайишига хизмат қилади.

ЎЗ — ЎТМАЯПТИ СОЗ!



АҚШда ўтган икки ҳафта мобайнида жазирама натижасида 74 киши ҳаётдан кўз юмган. Айниқса, ушбу ҳолатдан мамлакатнинг ўрта фарб ва шарқий қисмларида истиқомат қилаётган фуқаролар қаттиқ азият чекмоқдалар. Синоптикларнинг маълумотига қараганда, Чикагода ҳаво ҳарорати Цельсий шкаласи бўйича 38 даражани ташкил этган. Сент-Луис штатида ҳам худди шундай ҳолат кузатилмоқда. Мамлакатнинг шарқий қисмида яшаётган юз минглаб америкалик фуқаролар эса электр тоқисиз қолишган ва кондиционердан фойдалана олишмаяпти.

ВИЗАСИЗ МЕҲМОНГА БОРАВЕРИНГ!



Тбилисига ташриф буюрган Молдова делегацияси янги ҳукуматлараро келишувга эришди. Унга кўра, энди Грузия ва молдовалик фуқаролар бир-бирлариникига визасиз қатновни амалга оширишлари мумкин. Шунингдек, Кишинев ва Тбилиси тўғридан-тўғри авиарейсларни ҳам йўлга қўяди. Кузатувчиларнинг фикрича, ушбу виза режими тўғрисидаги келишув икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланишига ҳам хизмат қилади. Таъкидлаш жоиз, Грузияга 4 ҳунлик ташриф давомида Молдовия бош вазири президент Михаил Саакашвили ва мамлакат ҳукумати аъзолари билан ҳам музокаралар олиб борган.

САЙЛОВЧИЛАР ЭНИКЕ ПЕНЬЯГА ИШОНЧ БИЛДИРИШДИ



Мексикада президентлик сайловларининг натижалари эълон қилинди. Федерал сайлов институти маълумотларига кўра, «Институцион-инқилоб партияси» номзоди Энике Пенья сайловчиларнинг 38 фоиз овозига эга бўлиб, ғалабага эришди. Пеньянинг асосий рақиби «Демократик инқилоб партиялари» аъзоси Андер Мануэлга эса сайловчиларнинг 31,5 фоизи ишонч билдирган. Ундан кейинги ўринни 25,5 фоиз овоз тўплаган «Миллий ҳаракат партияси»дан президентликка даъвогар Хосефина Васкес Мота эгаллаган.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.



ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ОБУНА

ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.

